

usullari ko'rsatilmagan. Shu sababli, qo'shimcha ta'lim tizimi iqtidorli bolaning rivojlanishida katta rol o'ynaydi. Maktabdan tashqari to'garaklar, studiyalar, ijodiy ustaxonalar (ehtimol bu erda asosiy rol madaniy muassasalarga tegishli) maktab o'quv dasturidan tashqarida bo'lgan qiziqishlarni amalga oshirishga imkon beradi.

O'qituvchining iqtidorli bolalar bilan ishlashi juda murakkab va hech qachon tugallanmaydigan jarayon. Bu o'qituvchilar va o'qituvchilardan shaxsiy o'sishni, iqtidorli odamlarning psixologiyasi va ularni o'qitish sohasidagi yaxshi, doimiy ravishda yangilanib turadigan bilimlarni, shuningdek psixologlar, boshqa o'qituvchilar, ma'muriyat va, albatta, iqtidorli ota-onalar bilan yaqin hamkorlikni talab qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. *Matyushkin A.M., Yakovleva E.L.* Iqtidorli o'qituvchi [Matn] / A.M. Matyushkin, E.L. Yakovleva. M., 1991 yil.

2. *Molokov D.S.* Iqtidorli bolalar bilan chet elda ishlash uchun o'qituvchilarni tayyorlash / Elektron resurs. Kirish tartibi: [<http://www.eaicy-dar.ru/stati/Statya6.html>]

3. Maktabdagi iqtidorli bolalar (ish tajribasidan) // "Maktabdagi o'qituvchi" №3, 2010 yil // Elektron manba. Kirish tartibi: [http://intellektsystem.ru/articles_1_71.html]

4. Iqtidorli bolalar muammolari va ularni ijtimoiy-pedagogik faoliyat doirasida hal qilish yo'llari // Elektron manba. Kirish tartibi: [<http://www.kursx.ru/psy86.html>].

М. Зокирова, М. Джалолова
ФДУ

ИНТЕРАКТИВ УСУЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШДА ЎЗЛАШТИРИШНИНГ ИНДИВИДУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Аннотация. Мақолада интерактив усулларни қўллаш жараёнида педагог кадрлар ҳар бир талаба ёшларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олишлари ва таълим жараёнида интерфаол усулларни қўллашлари, Интерактив усулда ўқитилганда ўзлаштиришда турли усулларга таянадиган кишиларнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб ўзлаштириш имкониятини бериши баён этилган.

Калит сўзлар: интерактив, индивидуал, таълим тажриба, материал, педогог, креатив, талаба, абстракт, технология.

М. Закирова, М. Джалолова
ФГУ

УЧЕТ ИНДИВИДУАЛЬНЫХ ОСОБЕННОСТЕЙ ОСВОЕНИЯ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ

Аннотация. В статье утверждается, что преподавательский состав должен учитывать индивидуальные особенности каждого учащегося при использовании интерактивных методов использования интерактивных методов в процессе обучения, предоставляя им возможность учиться на основе тех, кто полагается на различные методы обучения во время взаимодействия. Был сделан.

Ключевые слова: интерактивный, индивидуальный, образовательный опыт, материальный, педагогический, творческий, студенческий, реферат, технология.

Бугунги кунда таълим жараёнига алохида этибор қаратилаётган бир даврда яшар эканмиз таълим сифатини оширишга хисса қўшиш ҳар бир малакали педагогнинг вазифаси саналади. Шундан келиб чиққан ҳолда талаба ёшларга янги замонавий усуллар ёрдамида яни интерактив усуллар асосида дарсни ташкиллаш ва унда талабаларнинг ўзлаштириш жараёнидаги индивидуал (ўзига хослик) хусусиятларини инобатга олиш асосий мезонлардан бири саналади. Сабаби ёшларни ўзлаштириш жараёнлари педагогика ва психология сохаларидан маълумки турлитуманликни ташкил этади. Шу сабабли педогог кадрлар ҳар бир ўқувчига алохида креативлик билан ёндашишлари талаб этилади. Берилаётган ўқув материални ўзлаштириш материални қай даражада идрок этишдан ва ўзлаштиришда қандай индивидуал хусусиятга эга эканлиги, яъни ўзлаштиришда қайси усулга таяниши муҳим аҳамиятга эга. Киши ўзлаштираётганда ушбу усулларга таянган ҳолда ўқув материални билиб оладилар.

Аниқ тажриба (АТ) асосида ўзлаштирадиганлар тажрибага асосланувчи таъсирчан шахслардир. Бундай одамлар юритадиган фикрлар энг аввало ҳиссиётга асосланган бўлади. Одатда юқори АТли бундай шахслар дилкаш ва “одамларга йўналтирилган” бўладилар. Улар кўп ҳолларда назарияни арзимас нарса деб биладилар ва ҳар бир вазиятни алохида хусусий ҳолат сифатида талқин қилишни афзал кўрадилар. Юқори АТли одамлар ўзларининг ўқитишга ёндашувларида нуфузликлардан кўра бошқа қатнашчиларни назарда тутадилар ва кўпроқ бошқа юқори АТли ўқувчилар билан ўзаро алоқага ва мунозарага киришадилар.

Абстракт (Мавҳум) концентуаллаш (АК) асосидаги юқори натижа аксарият ҳолатда ўқитишга мантиқий тафаккур ва рационал баҳолашга таянувчи аналитик ҳамда концептуал ёндашувни ифодалайди. Юқори АКли одамлар одатда бошқа одамларга нисбатан нарсалар ва рамзларни назарда тутадилар. Улар назария ва систематик таҳлилга асосланиб яхшироқ ўқийдилар. Ўқишнинг структуралашмаган методлари, мақсадли янги билимларни “кашф қилиш” ҳисобланадиган машқ ва стимуляциялар юқори АКлик одамларга унчалик тўғри келмайди ва хатто уларнинг ўқишларини қийинлаштиради ҳам.

Фаол эксперимент олиб бориш (ФЭ) асосида ўзлаштирадиганлар эксперимент олиб боришга асосланадиган фаол, “амалий” йўлланганликка таянадилар. Юқори ФЭли одамлар лойиҳалар тузишда, уй вазифаларида ёки кичик гуруҳлардаги ишда иштирок этганларида яхшироқ ўқийдилар. Улар маърузалар каби пассив вазиятларга бардош беролмайдилар. Одатда булар қизиқишлари ташқи дунёга йўналтирилган экстравертив шакллардир. Рефлексив кузатиш (РК) асосида ўзлаштирадиганлар ўқитишга рефлексив, пассив ва шартли ёндошувни ифодалайди. Юқори РКли одамлар эътибор бериб, кузатиш асосида ўзларининг махсус фикрларини шакллантирадилар ва ўқитишнинг, уларга кузатувчи ролида қолиш имконини берадиган маърузалар каби шаклини афзал кўрадилар. Одатда бундай одамлар ички дунёга қаратилган интроверт одамлар ҳисобланадилар.

Интерактив усулда ўқитилганда ўзлаштиришда турли усулларга таянадиган кишиларнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб, ушбу усуллар ҳар турда ўзлаштирадиган кишиларга ўзлаштириш имкониятини беради. Бу усулларда бир вақтнинг ўзида у ёки бу турдаги ўзлаштириш усулларида фойдаланилади.

Масалан; «Ҳар бирингиз ҳар бирингизни ўргатасиз» усулини қўллаш ўқувчиларда ўрганиши керак бўлган тушунча ва далиллар юзасидан умумий

кўринишни англашга имкон беради: уларда саволларни пайдо қилиб, қизиқишларини оширади. Аввалдан карточкалар тайёрланади, ҳар бир ўқувчи учун алоҳида карточкаларга ўрганиш керак бўлган мавзуга оид биттадан маълумот баён этилади, гуруҳ кичик гуруҳларга бўлинади ва ҳар бир ўқувчига биттадан карточка тарқатилади. Бир неча дақиқа давомида ўқувчилар қўлидаги маълумот билан танишиб чиқади. Ўқитувчи синф бўйлаб юриб, ўқувчиларни олган карточкадаги маълумотга тушунаётганлигини текшириб боради ва ўқиб бўлишгач, ўқувчилар гуруҳдаги ҳар бир қатнашчи маълумотларни бир бирига узатади. Сўнги бир иштирокчи гуруҳнинг ҳар бир иштирокчисини маълумотларини тўплаб, умумлаштириб баён этади. Бунда топшириқ шундан иборатки, ўзидаги далилни шеригига етказиш ва ундаги далилни ўрганиш. Ўқитувчи жавобларни доскага ёки флипчартга ёзиб бориши мумкин. Бу тартибда олиб борилган ўқитиш усули турли ўзлаштиришга хусусиятига эга бўлган кишилар учун материални ўзлаштириш имконини беради.

Биз педагогик фаолиятимизда “Матни тўлиқ етказ”, “Изоҳига кўра топиш”, “Мантиқан боғлаб топиш”, «Нуқтаи-назарларнинг даражалаш», «Бирор нуқтаи-назарни эгалланг», «PRES-формула», «Бирин-кетин сафлаш» (Даражалаш) каби усулларни ишлаб чиқдик ва талабаларни ўқитиш жараёнида қўллаб бормоқдамиз. Ҳар бир талаба ўқув материални ўзлаштиришда аниқ тажрибага асосланганими ёки фаол экспериментгами, балки рефлексив кузатиш ёки абстракт (мавхум) концентуаллаш асосида ўзлаштирадими қатъий назар ушбу усуллар ёрдамида ҳар бир талабани мувафақиятли ўзлаштирилишига эришилмоқда. Бу жараёнда талабалар рефлексив кузатиш асосида маърузани тинглайдилар, мавхумий концентуаллаш асосида аналитик-синтетик фаолиятини амалга оширадилар, топшириқни фаол эксперимент асосида бажариб кўрадилар ва аниқ тажрибага эга бўладилар. Ушбу усуллар асосида ўтилган дарсларда талабаларнинг рейтинг тизими асосида баҳо олиш имкониятлари кенгаймоқда, ўқув материални идрок этиш жараёни осонлашмоқда, талаба хотирасида олиб қолиш даражаси яхшиланмоқда ва кейинги ўқув материаллар билан боғлаш жараёнининг сифати ошмоқда. Шу билан бирга талабаларнинг назарий материалнинг амалий фаолият билан боғлаш малакалари шакллантирилмоқда. Биз тажрибаларимиз асосида талабаларнинг ўзлаштиришдаги индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда янги интерактив усулларни ишлаб чиқмоқдамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Ochilov M.* Yangi pedagogik texnologiyalar Qarshi.: Nasaf, 2000 y.
2. *Tolipov O', Usmonboeva M.* Pedagogik texnologiyalarning tadbiqiy asoslari. T.: 2005.
3. *Sayidahmedov N.* Yangi pedagogik texnologiyalar. T.: Moliya, 2003 y.
4. *Ishmuhammedov R.* Innovatsion texnologiyalar yordamida ta'lim samaradorligini oshirish yo'llari. T.: TDPU, 2005 y.
5. *Колеченко А.К.* Энциклопедия педагогических технологий. СПб.: КАРО, 2005.
6. *Фарберман Б.* Илғор педагогик технологиялар. Т.: Фан ва технологиялар. 1999.
7. Педагогические технологии / Под. ред. В.С. Кукушина. М.: 2006.